

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШИ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ҚАНДАЙ УЎШТИРИЛГАНЛИГИ ТУҒРИСИДАГИ МАСАЛА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ШУ НАРСА таъкидландики, болаларнинг бу йилги ёзги дам олишини ташкил этиш бўйича ишлар анча барвақт бошланди. Тошкентликларнинг болалари шаҳар ташқирисидидаги 68 та ва шаҳар ичидидаги 123 та кашшофлар лагерларида дам олмақда. Дам олишнинг ҳамма турларига 204 минг ўқувчи жалб этилган. Болаларнинг ёзги дам олиши бўйича шаҳар ва район комиссиялари ташкил этилган бўлиб, улар жойларга чиқиб, ана шу муҳим ишнинг аҳолидан мунтазам хабардор бўлиб турибдилар. Район Кенгашларининг ижроия комитетлари лагерларнигига ўз эътиборини қаратган.

Барча кашшофлар лагерлари кашшофларнинг атакчилари билан, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари ва кизмат кўрсатувчилар билан жамланган. Бир қанча қийинчиликларга қармай, савдо ва умумий оқатиланиш бош бошқармалари лагерларни керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилдилар.

Бироқ, текширув шун кўрсатдики, болаларнинг дам олиши барча лагерларда ҳам яхши ташкил этилган деб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Автотранспорт вазирлигининг «Дорожник», Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигининг «Связист», қалқ тўлими бош бошқармаларининг «Луч», «Среднефлотгастроиннинг «Чоткол» кашшофлар лагерларидаги аҳоли жиддий ташвиш уйғотмоқда. Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетиде дам олишни ташкил этиш бўйича ўтказилган текширув натижалари таҳлилга номлари айтиб ўтилган лагерлар ва маҳкамаларнинг раҳбарлари тақлиф этилди. Унда жуда нордон гаплар айтилди, очиб ташланган нуқсонлар — санитария ҳолатининг қонкурсиз эканлиги, оқватларнинг тўйимлилик даражаси пастлиги, озиқ-овқат блокларига керакли жиҳозларнинг етишмаётганиги юзотир қилмасдан очиб ташланди. Таҳлил натижалари бўйича зарур хулосалар чиқарилди, Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети шу лагерлар ҳамда маҳкамаларнинг раҳбарларига очиб ташланган нуқсонларга зудлик билан барҳам беришни топширди.

Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети шаҳарда давлат тили туғрисидаги Қонуннинг бажарилиши ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

Хушxabарлар

Собир РАХИМОВ райони

ВОЗОР иқтисодиёти шароитига ўтиш барча корхоналардан янгича услубларда иш юритишни тақозо этмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг маошларини ошириш, янги техникани жорий этиш, халқаро бозорга маҳсулот чиқариш ва бошқа корхоналар билан мол айирбошлаш шуллар жумласига кирди.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт ЗАМОНГА ҲАМОҲАНГ

Жумҳуриятимизда ягона Охунбоев номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикаси ҳам замон билан ҳамоҳанг қандам ташлаётган ялғор корхоналардан бири ҳисобланади. Жумладан, фабрикада халқ истеъмоли молларини чиқариш бўйича ярим йиллик река 112 фойзага адо этилди. Яъни, 6 миллион 400 минг сўмлик ўринга 6 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кейинги пайтларда похол шляпа, болаларнинг ёзги қалпоқчалари ва қалпоқчали ёзги болалар кийими комплектини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, корхонадаги ишлатилма ётган цехни жорий таъмирдан қўйлақларини махсус қўйлақларини тинишга мослашган кичине корхонага айлантирилиши нур устига нур бўлди. Ҳозир ушбу кичик корхонада 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Хўш, ушбу ютуқларнинг сирини мада, деган саволингни туғилиши табиий. Гап шундаки, корхонада инсон омилга катта эътибор берилган. Режадан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тушган қўшимча даромадининг катта қисми ишчиларга муновоқ пули тарзида берилган.

Бизнингча, бошқа корхоналар ҳам юқоридagi иш усулларини жорий этсалар фойдалан ҳоли бўлмасди.

Давяр ИСЛОМОВ.

ҚўшМА КОРХОНАЛАР ИШ БОШЛАДИ

ШАҲРИМИЗДА бўлиб ўтган ишбилармонларнинг амалий учрашуви райондаги корхоналар учун ҳам бирмунча самарали ўтди. Жумладан, «Металли қайта ишлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Италиянинг «Тенто-нетт» ва «Коминвест» фирмалари билан тузилган шартномага мувофиқ бирлашмада «Пент Уз» деб номланган Совет-Италия қўшма корхонаси яқинда ўз фаолиятини бошлади. Сирланган рўзгорбоп идиш-товоқларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона маҳсулотлари аввал жумҳуриятимиздаги эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилади. Келажекда эса қўшма корхона маҳсулотларини хорижий давлатларга ҳам жўнатиш мўлжалланмоқда.

Тошкентдаги «Шарқ» тери ва пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари ўзининг пишиқлиги, эъло сифати билан Иттифоқимизнинг турли шаҳарлари ва ҳатто хорижда ҳам шухрат қозонган. Ишбилармонларнинг амалий учрашуви вақтида Америка Қўшма Штатларининг «Конкорд» ва «Цитрон Дрейдинг» компаниялари ва «Шарқ» бирлашмаси ўртасида шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ корхона қосида «Цитрон-Нафис Конкорд» қўшма корхонаси тузилди. Қўшма корхонада келажекда асосан теридан ишланган маҳсулотлар: кийим-кечак, мўйнали пальтолар, ёдгорликлар ва тери-атторлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Тез орада «Цитрон-Нафис Конкорд» тамғаси босилган маҳсулотлар дўконларимиз пештахталаридан ўрин олади.

Динмурод НУРМУҲАМЕДОВ.



Бу қизнинг чехрасидан доимо табасум аймайди. У ишдаги баъзи қийинчиликларни ҳам қувноқ кайфияти билан енгилга одатлаган. Шаҳноза Иброҳимованинг мана шу табиатидан Тошкент ишқини йиғириш тажриба фабрикаси қизлари ўрнак олишга ҳаракат қилишляпти. Тўлқин Қаримов сурати.

МИЛЛИЙ ҲИЙИНОҚЛАР КўПАЯДИ

БОЛАЖОНЛАРИМИЗГА деб номланган юмшоқ ҲИЙИНОҚЛАР ишлаб чиқаришга ихтисослашган жумҳуриятимиздаги ягона Тошкент ҲИЙИНОҚЛАР фабрикасининг Бутуниттифоқ ривожланиш акционерлик жамияти тасарруфига ўтиб, «Семурғ» фирмаси номини олганга ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо шу мuddат ичида ҲИЙИНОҚЛАРнинг сифати ортди, унинг турлари кўпайди. Ҳозир бу ерда 200 га яқин турли хил ҲИЙИНОҚЛАР ишлаб чиқарилмоқда. Кичкинтойларимиз Уолт Дисней эртаклари персонажларидан бири «Урдакча» ҲИЙИНОҚИНИ жуда ёқтириб қолишган. Яқин кунларда эса «Кичкинтой»

деб номланган юмшоқ ҲИЙИНОҚЛАР, Чипполино эртаклари қаҳрамонлари қиёфасидаги ҲИЙИНОҚЛАР ва янги йилга аталган 1,5 метрли арча «Болалар дунёси» дўконлари пештахталаридан ўрин олади.

Ҳозир қайси боқчага борманг, тарбиячилар миллий қўғирчоқларнинг жуда оз миқдорда ишлаб чиқарилаётганидан нолишляпти. Шунинг ҳисобга олган ҳолда фирманинг тажриба-экспериментал бўлимиса лабораторияларида миллий қўғирчоқларнинг ўнга яқин турини тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Шариф ИСМОИЛОВ.

ФАРЗАНДАРИМИЗ СОЛОМАТЛИГИ ТИКЛАНДИ

БЕРУНИЙ кўчасида жойлашган 5-болалар санаторийсида бир неча ўн йиллардан бери кичкинтойларимиз юқумли сариқ касалидан сўнг соғлиқларини тиклашляпти. Бироқ кейинги пайтларда санаторий бинолари эскириб, таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Яқинда санаторий қўшимча бино ва буфет ҳам тикланган ҳолда таъмирдан чиқарилади, яна ўз бағрига соғлиқларини тиклашга муҳтож болаларимизни қабул қила бошлади.

Иброҳим СУЛТОНОВ.

— Янги ўқув йилига олдинги йилларга нисбатан атрофлича пухта ҳозирлик қўраймиз. Қувончлисиз, икки янги мактаб ўқувчиларини қабул қилади. — дея мамнуният билан гап бошлади Собир Раҳимов район халқ таълими бўлимининг мудири Маъсуда Одилова.

Ҳа, бу йил районда икки муҳташам мактаб ёшларни ўз бағрига олади. Ҳозирча 1260 ўринли бир хил лойиҳадаги икки мактабнинг бири битказилди. Янги 298-мактаб 33 синф хонасига эга. Мактаб иккита спорт зали, спорт майдончаси, мажлислар зали, кироатхона, ошхона, иссиқхона кўчаллиги, сув ҳавзасидан иборат бўлиб, унда болаларнинг пухта билим олишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё.

— Шу кунгача 210 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб фан кабинетларини жиҳозлялтишимиз, — дейди мактаб директори Шухрат Азимов. — Худди шундай иккинчи мактабда 169-трестнинг 9, 53-қурилиш бошқармаси бунёдкор

миллион 358 минг сўм ажратилган. 26 та мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари кенг жамоатчи

Ўқув йили таратдуду

Жамоатчиликка суяниб

лари қурилиш-пардозлаш ишларини олиб бораётганлар. Бу мактаб август ойида битказилди.

Шунингдек, райондаги мактаблардан тўрттасида тўла таъмирлаш ишлари кўнгидагидек олиб борилмоқда. Бу ишлар учун 1

Оталиқ ташкилотларидан тахтани қайта ишлаш комбинати 1-мактабга 10 минг сўм пул ажратди. «Миконд» заводи 233-мактаб таъмир ишларида фаол қатнашди. «Семурғ» фирмаси 234-мактабни ўқув йилига ҳозирляди. 233-мактаб қосида чарм тўп усталари спорт зали қуриляпти. 476-болалар боғчасига 18 минг сўм маблағ сарфлаб сув ҳавзаси қурилиб битказилди. 299, 65-болалар боғчаларида ҳам сув ҳавзаси қуриляпти.

Ҳа, мактаб ва боғча-ясилларда ёшларга бутунги талаб даражасида, ўзбекча дарс, одоб-ахлоқ кўникмаларини беришдек ибратли ишларга алоҳида эътибор бериллятгани ҳам сезилиб турибди.

Янги ўқув йилида 42 минг ўғил-қизларимиз синф хоналарини тўлдириб билимни қўнғироқини кутиб оладилар.

Савдулла СУЛТОНОВ.

миллион 358 минг сўм ажратилган. 26 та мактабда эса жорий таъмирлаш ишлари кенг жамоатчи

Хушxabарлар

Янгиликлар

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

МУТАХАССИС кадрлар тайёрлашда қоринда ортинган бой таъриблар кўп келмоқда. Шу сабабга кўра Тошкентда янги ташкил қўрилган Шарқшунослик олий илмгоҳи маъсалининг бу томонига эътиборини қўйяпти. Олий ўқув маъмакатларидаги олий ўқув юртлири билан алоқа боғляди. Тошкент Давлат дорилфунун

теги учун фаолият кўрсатяпти ушбу илм даргоҳи бўлгани кунда Хитой, Истамбул, Кобул, асрифтунуларни билан ҳамкорлик алоқасида иш кўриб, қатор режаларини амалга оширмоқда. Айни бир вақтда Шарқшунослик олий илмгоҳи олимлари вакиллари Туркияга боғляш тадбирларини кўрадилар.

Свoдат ОДИЛОВА.

Санъатнинг сеҳрли олами

ЮЛДУЗНИНГ ЯНА БИР ПАРВОЗИ

ЮЛДУЗ Усмонова илик март саҳнага чиқиб қўшиқ ижро этган кунданок томошбинлар юрагини ром этган эди. Шундан бери хонанданиннг қўнғироқдек овози янграш биланди. Қўшиқ иштиёманлариди:

— Юлдузнинг қуйламоқда! — деб жон қулонини берядилар.

Юлдуз ҳам қўшиқдан қўшиққа ўз муҳлислари муҳаббатини тобора қозониб бормоқда. Чунки унинг ижросидида «Дует мени зор айлади», «Қизил олма» сингари талай қўшиқларни қўнғилликни мамнун қилиляпти.

Кўнги неча шаҳримизга барчани баробар хушнуд этадиган хушxabар нолиди. Юлдуз Усмонова ина бир нуфузли кўнги-таилова ўзининг маҳорати борган сари килмоқта. Унинг овозининг исботи уди. Ун беш йилдан бери фаолият кўрсатиб келаятган «Осиё овози» муносиб беаллашувининг бу йилги II халқаро танловни Юлдуз Усмоновага бир олам қувонч ҳади этди. Кўплаб таниқли, хушоовчи хон

надалар, чолгу ва яқнахонлик дасталари иштирок этган таилова инги овозлар, ноёб «Додлар кашф» этляди, уларнинг ижро маҳоратиса муносиб баҳо берилди.

Танлов ҳайъати бош соврини «Гран при»ни Финляндиядан келган 15 йилли қўшиқчи қиз Ж. Крузага беришга қарор қилди. Тонинстонлик Наргисе Вандишоева биринчи, ҳамшаҳримиз Юлдуз Усмонованиннг ижроси ининини ўринга лойини топилди. Учинчи ўринни Саврийстонинг «Ойларин» Қозғистонинг «Юзайлик» дасталари ўзаро бўлиб олинди. Қўнғилни турбийдини бу сафар тиллов ўз номига мос бўлганлигини тасдиқляди.

Парвозининг ҳамшиша юксак бўлиши, санъатимиз Юлдузи!

Тоҳир ЙўЛЧИЕВ.



Юлдуз Усмонова илик март саҳнага чиқиб қўшиқ ижро этган кунданок томошбинлар юрагини ром этган эди. Шундан бери хонанданиннг қўнғироқдек овози янграш биланди. Қўшиқ иштиёманлариди:

НАРХ-НАВО: ҚАЕРДА ҚАНДАЙ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ССРНИНГ АЯРИН ШАҲАРЛАРИ ВОЗОРЛАРИДА 1991 ЙИЛ 1 АВГУСТДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ УРТАЧА ВОЗОР НАРХЛАРИ (бир килограмми сўм ва тилин ҳисобиди)

шаҳарлар номи	нартош. на	пидо	сабан	помидор	бодиринг	карам	олма	узум	қоғуш	тарвуз мол	гўшти қўй	гўшти
Нукус	1-35	1-25	0-65	0-45	1-35	1-75	1-00	4-50	0-90	0-80	10-00	—
Бухоро	1-75	1-25	1-25	0-35	1-25	1-75	1-25	3-25	1-25	0-90	12-00	13-00
Қарши	1-40	1-10	1-15	0-40	1-60	0-80	1-50	2-25	0-55	0-50	—	—
Самарқанд	1-25	1-15	0-90	0-55	2-25	0-60	2-50	5-50	1-00	0-90	17-00	20-00
Фарғона	1-75	1-10	1-40	0-95	2-75	1-15	3-25	4-50	2-25	1-25	16-00	22-00
Тошкент	1-50	1-25	1-25	1-00	2-00	1-25	4-50	3-50	1-50	1-00	15-50	21-00
Душанбе	2-00	1-70	1-70	1-50	2-50	0-80	3-50	4-00	1-50	1-00	15-00	17-00
Олмаота	1-75	2-50	4-00	2-00	4-25	3-50	3-50	—	3-50	2-00	17-00	16-00
Ашхобад	2-75	3-00	5-00	1-75	3-00	1-75	3-50	3-50	1-00	0-75	—	—
Киев	1-75	3-50	0-80	3-50	2-75	1-25	3-50	—	5-00	2-50	15-00	—
Кияннев	3-00	2-50	2-00	3-00	3-00	2-60	2-00	—	5-00	2-00	18-00	—
Тбилиси	3-00	4-50	4-00	4-50	5-00	3-25	5-00	—	5-50	2-50	25-00	24-00
Кубишев	3-50	2-75	2-00	3-50	3-50	2-50	4-50	20-00	3-25	2-50	19-00	19-00
Иркутск	4-50	5-00	4-00	8-50	4-50	5-00	12-50	19-00	10-00	5-00	19-00	—
Москва*	2-50	5-00	4-00	8-00	10-00	1-50	5-00	25-00	10-00	3-50	30-00	—

* 1991 йил 6 августдаги маълумот

Бутунги кун кафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● 6 август кун Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлигинида Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ҳофизулло Эбодийга консуллик вазифаларини бажариш учун руҳсатнома топширилди.

● Гулистонда илк бор минтақаларо ярмарка очилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг котиби Валентин Купцов И. К. Полозов ўринга РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қилиб сайланди.

● 1991 йилнинг биринчи ярмида Совет Иттифоқиде 1 миллион 514 минг 372 та жиноят рўйхатга олинган. Жиноятчилик айниқса Эстония, Литва, Латвия, Россия ва Қирғизистонда медал суръатларда кўпаймоқда.

● Қозғистон Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Семипалатинск ядровий полигонини сўзсиз бекитиш, ундан факат илмий ва тинчлик мақсадларида фойдаланиш зарурийлиги туғрисида республика коммунистларининг фикрини баён этди.

ХОРИЖДА

● Югославиянинг Хорватия республикасидаги бир-бирларига қарши турган барча томонлар ўт очилиши тўхтатишга розилик бердилар.

● АҚШда Арманистоннинг ваколатхонаси очилди. Бу ваколатхона зиммасига АҚШ ва Канададеги арман ташкилотлари ва жамоалари билан бевосита алоқаларни мустақамлаш, ушбу давлатлар томонидан республикага кўрсатилятган ёрдамни мувофиқлаштириб туриш вазифаси юклятилган.

Обуна-92

«ОҚШОМ» ФИДОЙИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг муҳарририяти ҳамма вақт ўзининг қўнғилни ёрдамчилари бўлган жамоатчи матбуот тарқатувчилар, хат ташувчилар, фаол муштаракларини «Оқшом» тарғиб этишлари ва ишқар рўзномаларига обунани расмийлаштиришга ёрдам берганликларини чуқур маънуният ва ташаккур туйғуларни билан қабул қилади.

БУ ЙИЛ муҳарририят «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг энг яхши тарқатувчилари танловини ўтказишга қарор қилди.

Танлов икки бўғин бўйлаб — алоқа бўлимларининг ходимлари ва аҳоли турар жойларидаги жамоатчи тарқатувчилар ўртасида ўтказилди.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

АЛОҚА БУЛИМЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ УРТАСИДА

Битта биринчи ўрин ва 300 сўмлик пул мукофоти камда 600 кишини «Оқшом» рўзномаларига обуна қилган кишига берилди.

Иккита иккинчи ўрин ва ҳар бири 200 сўмдан бўлган пул мукофоти камда 500 нуҳсадан обунани расмийлаштирган кишиларга берилди.

Учта учинчи ўрин ва ҳар бири 100 сўмдан иборат бўлган пул мукофоти * «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига камда 400 тадан обунани расмийлаштирган кишиларга берилди.

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДАГИ

ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЧИЛАР УРТАСИДА

Битта биринчи ўрин ва 200 сўмлик пул мукофоти камда 300 одамни маҳалла ёки уй-жой мавзасида «Оқшом» рўзномаларига обуна қилган кишига берилди.

Иккита иккинчи ўрин ва ҳар бири 100 сўмдан иборат бўлган пул мукофоти рўзномаларимизга 200 тадан кишини обуна қилган одамга берилди.

Учта учинчи ўрин ва ҳар бири 50 сўмдан иборат пул мукофоти 100 тадан тошкентлик «Оқшом» рўзномаларига обунага расмийлаштирган кишиларга берилди.

Танловга 1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна тугагандан кейинги бир ой мобайнида яқунлар чиқариляди.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг таъясинча кўра аниқлянади.

ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ОМАД ЁР БУЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ.

Танлов ҳайъати.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРАЛARI ВА ЭЪЛОНЛАР

Ў Қ И Ш Г А
МАРХАМАТ!

ТАРМОҚЛАРАО ҚУРИЛИШ
КОМПЛЕКСИНИНГ РАХБАР ХОДИМЛАРИ
ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЯРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИЛМГОҲИ
(МИППКРС)

РЕСПУБЛИКА ИЖАРАЧИЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

ДАСТУР ҚУЙДАГИЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛА-
ДИ: ижара шартномаси; кичик корхона Низоми;
солиқ солиш; нарх-навоининг ҳисоб бўлиши; истеъ-
мол фонднинг шаклланиши ва меҳнатга ҳақ тў-
лашдаги янгиликлар; давлат мулкнинг сотиб олиш;
кичик, халқ ва хусусий корхоналарни ташкил
этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши; бухгалтерия
ҳисоби ва ҳисобот; хўжалик юритиш ва меҳнат
қонунаридаги янгиликлар.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб, тингловчилар
нинг куйидаги гуруҳлари ташкил этилади: саноат,
курлиш, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш,
мансий хизмат ва уй-жой коммунал хўжалик со-
ҳасидаги раҳбар ходимлар.

Ўқини муддати — 1 ой.
Ўқини ҳақи — 550 сўм.
Маъмулотларни илмгоҳнинг етакчи ўқитувчи-
лари, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат
вазирлиги ходимлари, ижара ва кичик корхона-
ларнинг раҳбарлари олиб борадилар.

Ў Қ И Ш Г А ТАКЛИФ ЭТАДИ

РЕСПУБЛИКА ИЖАРАЧИЛАР ВА ИШ-
БИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ ҲУЗУРИДА

ҚУЙДАГИ БЎЛИМЛАР ФАОЛИЯТ
КЎРСАТМОҚДА:

— чет эл менежменти тажрибаси, ностандарт
ишлаб чиқариш вазиёлариди оқилона ечимлар,
ижтимоий-психологик тренинг ўтказиш кабилардан
иборат бошқарув психологияси бўлими.

Ўқини муддати — 2 ҳафта, ўқини ҳақи — 475
сўм.

— хусусий фирма ташкил қилиш ёки ўзини
ишбилармонлик фаолияти соҳасига бағишламоқчи
бўлганлар учун — кичик бизнеснинг сирти бўли-
ми.

Ўқини муддати — 5 ой. Ўқини вақти, норматив
ахборотларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда — 1350
сўм.

Қабул ариза ва кадрларни ҳисоб олиш бўйича
шахсий варақа асосида амалга оширилади.

Ў Қ И Ш Г У Р У Х Ў Л А Р Т Ў Л И Ш И Г А Қ А Р А Б
БОШЛАНАДИ.

Ўқув юрти манзили: 700011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.

Тошкент шаҳар Октябрь район уй-жой-ижтимоий
банкидан ҳисоб рақамимиз: 000583002. Код
734138.

телефонлар: 44-16-80, 44-05-28.

Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигининг
МАРКАЗИЙ ҲАВВА КОМБИНАТИ

Ў Қ У В Ч И Л А Р Қ А Б У Л Қ И Л А Д И

Электр-газ тайвандчилар, автомобиль кўприкчи,
миниорали, кранларни бошқарувчи машинистлар,
дурдур-бетончилар, гипс терувчилар, темир-бетон
конструкцияларини монтаж қилувчилар, ЦЦ —
84-операторлар.

Ўқини муддати бир ойдан тўрт ойгача, ҳар ойда
102 сўм стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН
АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ОЛИБ
БОРИЛАДИ.

Ўқини учун корхонадан пул ўтказилади ёки
нақд пул тўланади.

Ўқини битирганлар Қурилиш вазирлиги тар-
моқларига ишга жойлаштирилади.

Ў Қ И Ш Г У Р У Х Ў Л А Р И Й Г И Л И Ш И Г А Қ А Р А Б
БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 55-36-11, 54-94-87, 54-92-16.

ИЙГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

40-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
СИЗЛАРНИ

ҚУЙДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

Ў Қ И Ш Г А ТАКЛИФ ЭТАДИ

резисторларни йиғувчи, техника назорат бўлими
назоратчиси, кенг қаровлиқ дастгоҳча (тонарь,
фрезерчи, йиғувчи, пармаловчи), чизмачи-конструк-
тор, технология ускуналарини соловчи, яриш-
казгичли асбобларни йиғувчи.

9, 11-сифф маълумотидаги ўқувчилар қабул қили-
нади. Ўқини муддати — 1-3 йил. 9-сифф маълумоти-
даги ўқувчилар оқдат, кўчаллик кийим-бош билан,
11-сифф маълумотидаги ўқувчилар эса — 80 сўм
ҳажмида стипендия ва оқдат пули (компенсация)
билан таъминланадилар.

9-сифф ҳажмида маълумотли ёшлар ўқиниға кир-
раётганларида кириш имтиҳонларини тоширадилар.
Имтиҳонларни муваффақият билан тоширганлар
ўрта маълумот ва таълағна касби тўғрисида диплом
берилганда махсус гуруҳларга қабул қилинади-
лар (махсус гуруҳларда ўқини муддати — 2 йил)
ва улар кейинчалик Тошкент техника дорилфунуни-
га ўқиниға кирадилар. Қонкурсиз баҳо олганлар
ўрта маълумот берилмайдиган оддий гуруҳларга
(ўқини муддати — 1—2 йил) қабул қилинадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси, шунингдек дипломдан
практикаси даврида ўқувчиларға иш ҳақининг 50
фоизи берилди.

Билим юрти қошида спорт секциялари, «Электрон»
вокал-чолгу ансамбли, «Ешлик» киностудияси,
«Романтика» дискотекаси, фан тўгараклари ишлаб
турилади.

Билим юртини «аъло» баҳоларға битирганлар
Тошкент техника дорилфунуниға, Тошкент педаго-
гика олий билимгоҳиға, шунингдек Москва ва
Ленинград алоқа олий билимгоҳларига кириш учун
йўлланма оладилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўча-
си, 106-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати;
13, 51-автобуслар; 2, 7, 14-троллейбусларнинг
«40-хунар-техника билим юрти» бекати). Телефон:
45-47-35.

АНЪАНА БИЛАН ЗАМОНАВИЙЛИК
ИТТИФОҚИ АЖОЙИБ САМАРА
БЕРАДИ

ТОШКЕНТЛИК РАССОМ-ЗАРГАРЛАР-
НИНГ 1991 ЙИЛДА ҲАЁТГА «ЙУЛЛАНМА»
ОЛГАН МАНА БУ АЖОЙИБ БУЮМЛАРИ
ФИКРИМИЗНИНГ ЕРҚИН ДАЛИЛИДИР.

Бу буюмларнинг шакли, катта-кичиклиги,
безаклари ғоятда серқирра. Шунга қарамай
уларнинг ҳаммасида рассомларнинг ижодий
азланишлари, замонавий мода талабларини
миллий санъат анъаналари билан уйғунлаш-
тириш сари интилиши сезилиб туради.

1991 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК
ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН БУЮМ-
ЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ТИЛЛА ВА НОДИР
БЎЛМАГАН МЕТАЛЛАРДАН ЯСАЛГАН
БИР ТУРКУМ БУЮМЛАР БИЛАН КЕН-
ГАЙДИ. БИР НЕЧА ХИЛ ТИЛЛА УЗУҚЛАР
ВА БРИЛЛИАНТ КҮЗЛИ ЗИРАҚЛАР,
ШАРҚ УСЛУБИДАГИ — МИТТИ ЮЛДУЗ-
ЧАЛИ, ЯНГИ ЧИҚҚАН ЯРИМОЙ ШАКЛИ-
ДАГИ НАФИС ЗИРАҚЛАР, РАМЗИЙ БЕЛ-
ГИ ТУШИРИЛГАН ТАҚИНЧОҚЛАР, ЮБИ-
ЛЕЙ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ШУЛАР ЖУМ-
ЛАСИДАДИР.



Нодир бўлмаган металлдан ясалган тақин-
чоқлар ҳам эътиборга сазовор. Тилла суви
юртилган, томпақдан (мас ва рух қоршима-
сидан) ясалган ғаройиб гарнитур—миллий
услубдаги, нозик шокилали зирак ва узук
шу жумладандир. Турли рангдаги корунд ва
марварид кўзлар уларни янада жозибали
қилиб кўрсатади. Ҳажми каттароқ, турли
геометрик шаклдаги ёки гул шаклидаги,
ялтироқ бўёқли замонавий безаклар ёшлар
учун мўлжалланган. Улар анодланган алю-
минийдан ясалган.

Рассом-заргарларнинг ижодий танловлари
ҳар йили ўтказилади. Улар ана шу танлов-
ларға уларнинг энг яхши буюмларини тақ-
дим этишади. Бу демак, олинди бизни гў-
заллик олами билан бир қатор учрашувлар
кутмоқда.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ.

ХАЛҚАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН
АЛОҚАСИДАН ФЙДАЛАНУВЧИ
АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги барча АТС абонентлари учун
қуйидаги мамлакатларнинг шаҳарлари билан халқ-
аро автомат телефон алоқаси ўрнатилди: БОЛГА-
РИЯ, ВЕНГРИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ,
ПОЛЬША, ЮГОСЛАВИЯ.

Вошча мамлакатдаги абонентни қақриш учун
«8» рақамини териб, гудок эшитилишини кутанса,
кейин эса изчиллик билан: «10» рақамини, мам-
лакат кодини, шаҳар кодини, қақрилатган аба-
нент номерини терасиз.

Мамлакатлар ва шаҳарларнинг кодлари ҳақида
маълумотлар олиш учун 44-39-31 телефони орқали
мурожаат қилинсин.

Абонент билан тезроқ боғланиш учун зарур но-
мерларни теришдан олдин рақамларни тегишли тар-
тибда ёзиб олишнингизни маслаҳат берамиз, чунки
териш пайтидаги пауза 5 секунддан ошмаслиги ло-
зим.

Агар 40 секунд давомида уланмиш амалга ошма-
са дастанни қўйиб қўйинг, кейин теричини қайта-
раш зарур.

МАЗКУР МАМЛАКАТЛАР ВА МОСКВАНИНГ
МИНТАҚА ВАКТИ ОРАСИДАГИ ТАФОВУТЛАР:
БОЛГАРИЯ — 1 соат
ВЕНГРИЯ — 2 соат
ЮГОСЛАВИЯ — 2 соат
ПОЛЬША — 2 соат
ГЕРМАНИЯ — 2 соат
ЧЕХОСЛОВАКИЯ — 2 соат.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН
СТАНЦИЯСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ-
НИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШ-
ЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-33-76,
хатлар — 33-29-76, 33-33-79;
мамолатчилик қабулхонаси —
33-53-83.

Ҳ У Р М А Т Л И
ТОШКЕНТЛИКЛАР!

В. И. Ленин шоққўчасида трамвай излари-
нинг авария ҳолатига келиб қолганлиги муно-
сабати билан ҳозир Ўзбекистон шоққўчасида
А. Навоий шоққўчасигача бўлган участкада-
ги йўл (из) ва энергетика хўжалигини таъ-
мирлашга оид тайёргарлик ишлари олиб бо-
рилмоқда.

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ УЧ БОСҚИЧДА
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

I босқич — Ўзбекистон шоққўчасида
Ленинград кўчасигача.

II босқич — Ленинград кўчасидан Сулай-
монова кўчасигача.

III босқич — Сулаймонова кўчасидан А.
Навоий шоққўчасигача.

Асосий таъмирлаш ишлари бажарилаётган
даврдa паралел йўналишларнинг ўтказиш
имкониятини, шунингдек, энергия қуввати
билан таъминланишни назарда тутган ҳолда
ана шу участкадаги 7, 8, 10-трамвай марш-
рутлари ҳаракати схема бўйича ўзгартрилади.

7-маршрут Марказий универсал дўкон
(«ЦУМ») орқали ҳар иккала томонга Санъат
музеи, I Май кўчаси, Навоий шоққўчаси ва
у ёнига ўз йўналиши бўйича қатнайди.

8-МАРШРУТ 2 га бўлинади:

8-маршрут Бешқайрағоч даҳасидан I Май,
Санъат музейи, Пролетар кўчаси бўйлаб во-
казлга қатнаса, темир йўл вокзалидан Госпи-
таль бозори, Марказий универсал дўкон,
Санъат музейи орқали ҳаракатланади ва у
ёнига ўз йўналишида давом этади.

8 «а» маршрут Бешқайрағоч даҳасидан
Уйғур кўчаси бўйлаб усти ёпиқ бозоргача,
Беруний шоққўчасидан Талабалар шаҳарча-
сигача ҳар иккала йўналишда қатнайди.

10-маршрут Образцов кўчасидан Марказий
бозоргача қатнайди.

Бўшаб қолган ҳаракатдаги состав 2-трам-
вай маршрутнинг ишини кучайтириш сари
йўналтирилади.

I-босқичдаги таъмирлаш ишлари 1991 йил
5 августдан бошланади.

Вақтинчалик ноқулайликлар учун олдиндан
узр сўраймиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕ-
ТИ ҲУЗУРИДАГИ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙ-
БУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

АЗЛК «МОСКВИЧ» ТЕХНИКА ХИЗМАТИ
КЎРСАТИШ БОШ СТАНЦИЯСИ

ҚУЙДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА НАҚД ПУЛ-
СИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ЙЎЛИ БИЛАН «МОСКВИЧ»
МАРКАЛИ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА
ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ ВА УЛАРНИ ТАЪ-
МИРЛАЙДИ:

— Касалхона муассасалари.

— Махсус тиндаги даволаш-профилактика муас-
сасалари.

— Диспансерлар.

— Оналик ва болаликни муҳофазалаш муас-
сасалари.

— Санаторий-курорт муассасалари.

— Соғломлаштириш муассасалари ва дам олиш
муассасалари.

— Қариялар ва ногиронларнинг интернат-уй-
лари.

— Мақтабгача тарбия муассасалари.

— Ота-она қаровисиз қолган болаларни тарбия-
лаш муассасалари.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700091.
Ҳамза райони, Тошкент шаҳри, Олмалик ҳаққаси
кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 98-46-65, 98-32-88.

Тошкент шаҳар, Собир
Раҳимов райониди 249-
ўрта мактаб томондан Ажмо-
нов Умид Абдуманнопович
номига берилган В 240410
номерли йўқолган

8-СИНДИНИ ТУГАТГАН-
ЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ
ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Узторресурс» худу-
дий хўжалик ҳисобиди
бирлашманинг (РХО) Тош-
кент шаҳар ишлаб чиқариш
тайёрлов корхонаси
номаси «Узторресурс»
худудий хўжалик ҳисобидаги
бирлашма бош дирек-
тори Т. Д. Абдуллаевага оид

Ҳанимажон
АБДУЛЛАЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия из-
ҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёт
номаси маъмурий-қўжалик
бўлими бошлиғи З.
Сулаймонова оиди

Ифода
СУЛАЙМОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия из-
ҳор қилади.

«Малина» трекотам ишлаб
чиқариш бирлашмаси
номаси I-фабрика дирек-
тори
Шарифон Тонибович
ҲАСАНОВНИНГ
вафот этганлиги чуқур
қайғу билан билдириб,
марҳумнинг оила аъзолари-
га таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар, П. Ф. Бо-
ровский номи тиббиёт би-
лим юрти томонидан Камо-
лова Наргиза Камолдиновна
номига берилган РТ—1
360239 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, П. Ф. Бо-
ровский номи тиббиёт би-
лим юрти томонидан Камо-
лова Наргиза Камолдиновна
номига берилган РТ—1
360239 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Меҳр билан тиккан дўпнамни,
Бошиндан ҳеч қўйма, жонгнам!
Маъмур Назаров сурат-лаҳзаси.

Ёз неъматлари

ЖОНГА ОРОМ
АТИРГУЛ

Бизнинг дёнримиз ширин-шарбат мевалари,
резавори, қанду асал полиз маъсулотлари билан-
гина эмас, балки дилни ром этиб, кишининг назари-
ни асир этувчи гуллари билан ҳам одамга маш-
хур.

ГУЛЛАР маликаси—атиргул кўна замонардан бери
Шарқ халқларининг уйи, хонадонини безаб келади. Шир-
фоабхалик бобида ҳам атиргул муомтозлиги билан ажра-
либ туради. Бу гул ўз даврида фозилу фузалолар, табиби
замоналар томонидан мадҳ этилиб, хосиятлари баён этил-
ган. Атиргул мойининг шифобахшлиги тўғрисида кўна
замон олими Герадот, Жолдинус ҳаким, Абу Али ибн
Синонинг томонидан маълумотлар қолдирилган. Ибн
Синонинг «Тиб қонунлари» китобида атиргул ҳақида
шундай дейилган: атиргул гулбарглари қайнатиб, сиқ-
май шилларга боғлана уларни қайтаради, сарамаснинг
тузалишига ёрдам беради. Атиргул ва узум шарбати
қайнатилиб суртилса мишқларни муштақамлайди, қулоқ
огриғига даво бўлади. Асал билан тайёрланган гул мураб-
боси мевдани сусайтирмайди, жигарга ором бағишлайди,
овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Қадим замоналардан бери Шарқ халқлари анъанавий
табобатида атиргул асосли дори-дармонлар кенг кўламда
қўлланиб келинади. Атиргулнинг гулбаргларидан мураб-
бо, гулқанд, гулболлар тайёрланган. Гулқанд сурункали
ва ўткир йўтал, бедармонлик, камқонлик, офтоб урган-
ида ва ичбуруг каби силла кунрутувчи касалликларни да-
волашда тавсия қилинган.

Атиргулнинг хосият қўлами ҳозирда ҳам кенг қулоқ
бўлмоқда. Болгариялик олимлар атиргул мойи шамоллаш
билан боғлиқ биринчи касалликларга, ўпка яллиғлани-
шига ва қорасонга икбий таъсир этишини аниқладилар.
Атиргул мойининг яна бир хосияти — шиллиқ парда-
ларни таъсирдан, бронх мушакларини тириштири-
дан саклайди. Маълумотларга қараганда, Болгарияда
атиргул мойидан зиннафасни даволашда тадбиркорлик
билан фойдаланмоқдалар.

«Фитотерапия» номи билан юритилувчи китобнинг
муаллифлари Д. Горданов, П. Николов ва А. Бойчинов-
ларнинг келтирган маълумотларига қараганда, нуқрананг,
оқ атиргулларнинг гулбарглири таркибиди қатрон,
шиллик моддалар ич имшатувчи ва гинжа ҳайдовчи ху-
сусиятларга эга бўлса, қизил атиргул ўзининг таркиби
билан оқ атиргулдан фарқланади. Унинг гулбарглирида
натоксин, кверцетин, цинкин ваби моддалар мавжуд. Бу
омиллар ўз навбатида ичбуруг, мевда ва ичан йўллари
яллиғланганда икбий таъсир кўрсатади.

Доривор омилни уй-хона шароитида ҳам тайёрлаш
мумкин. Қизил атиргул гулбарглиридан эзилган 5—10
грамм сувоқлик икки пивла қайноқ сув билан дамланади.

ХУШТАЪМ,
ХУШБЎЙ

АТИРГУЛ гултожбарглиридан тайёрланадиган мураб-
бонинг дармондориллиги, хуштаъм ва икюяда хушбўй-
лиги азалдан маълум. Гул баргларидан мураббо тайёр-
лаш учун усимлик гултожбарглири шондан ажратиб
олинди-да, қуйи оқиб қисми қирқилиб, махсулот сифа-
тида фойдаланилади. Ажратилган гулбарг қисмлари йи-
рикроқ қўли элак ёки талвирга солиниб гулчанглр тў-
қилиб кетгунга қадар силланади. Шундан сўнг гулбарг-
лар ювилиб 3—5 минут давомида қайнатилди ва сил-
қитиб сувдан ҳоли қилинади ва гулбарглр зудлик билан
солутилади. Гулбарглрдан ажратилган қайнатма сувлар
шарбат тайёрлаш учун ишлатилади. Алоҳида шарбат тайёр-
лаш учун бир килограмм гулбаргга бир килою 300
грамм шакар, 2 литр сув, 2 грамм миқдорда лимон
ачили олинади. Сувоб турган гулбаргга шарбат-қием,
мўлжалланган лимон ачили қўшилиб этилуғича қайна-
тилади.

Атиргул гулбарглиридан мураббо тайёрлашнинг яна
бир усули бор. Гултожбарглр саралиниб, 2—3 минут
давомида қайнатилди-да, лимон ачили солиниб, оғзи
берилтилан ҳолда 20 минут давомида сакланади, сўн-
гра қайнатма суви мураббо қайнатилган идишга соли-
нади. Гулбарглрдан тўшган сувоқликни шакар солиниб,
шарбат-қием ҳолига келтурича қайнатилди.

Маъсулотлар: саралаб олинган гултожбарглрдан 250
грамм олинганда 1 кило шакар, 1 стакан сув ва 2—3
грамм атрафода лимон ачили олинади.

Атиргул мураббоси ўта хушбўй, лаззатли ва таъмили
бўлиши билан бирга икнишга дармон бағишловчи, ҳор-
гинликдан ҳоли қилиб, ақли пелшончи омил сифатида
тамадди этилади. Аяни йилнинг салқин, совуқ паллала-
рида атиргул мураббосидан наҳорига бир қошиқ истеъ-
мол этиб турилса, киши аъзоларини ҳар хил шамол-
лаш билан боғлиқ бўладиган хасталикларга нисбатан бар-
дошлик қилади. Гул мураббоси чойга қўшиб истеъмол
этиладиган бўлса, тумов билан оргинан беморга ором
бағишлаб, изтиробли йўталдан ҳоли этади.

Манон НАБИЕВ,
доршунос.

Йўл-йўлақай

ҲЕЧ НАРСА ПИШИРМА
ХОТИМ эриға деди:
— Дадас, бугун туғилган,
кичингиға, ҳеч тортиқмай айта-
веринг, оезингиздан чиққан
теомни бир зумда пишириб
бераман.
— Илоки бўлса бугун ҳеч
нарсa пиширма.
ОДАТ
ЎҚИТУВЧИ ота-оналар мак-
табда бир ўқувчининг отаси-
га деди:

Мухаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:
Ҳақ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши
ва Ўзбекистон Коммунистик партияси
Тошкент шаҳар комитети

Тошкент оқшоми
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ТСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шанба ва диканбадан
ташқари ҳар кун ушбон
тильда чиқади.
ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-33-76,
хатлар — 33-29-76, 33-33-79;
мамолатчилик қабулхонаси —
33-53-83.
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашрийтининг Меҳнат
Қизил Байроқ орданин
босмасхонаси, Тошкент шаҳри.
89.968 нумарда чоп этилади.
Индекс 64690, Буғурта 5693.
4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-босма-
га бериш вақти 11.30. Босмага
берилди. 11.30.